



Кушон (1-Ш аср боши) ва кушон-сосонийлар даври либослари хакида ашёвий далиллар оз сакланиб колган. Бирок Шимолий Бактриядаги Далварзинтепа, Дилбержин ва Гулбаён саройлари, Фаёзтепа ва Уштур-мулло буддавийлик ибодатхоналари деворларидаги тасвирлар оркали либосларнинг етакчи таснифларини кўриш мумкин.

1-Ш асрларда кўйлак устидан олди очик эркаклар чопони кийилган. Гохо уларда кайтарма ёка ва алохида бурма килиб тикилган этак ҳам бўлган, улар кўкракка бир жуфт илмок билан доира ёки томчи шаклида такиб кўйилган, баъзан чопон ихчам туриши учун белбог боғланган. Олди очик ва устидан белбог боғланган чопон «Гарвард Буддаси» (II аср) хайкали супасидаги эхромлар илохи эгнида ҳам бор, унинг четларига энсиз жияк тикилган ва ён чоки бўйлаб кенг йўл тортилган; этаги тўртта кенг-кенг тик бўлақларга бўлинган бўлиб, бир катор пистонли бурмалар хосил килинган. Олтин тўкачалар чопон барлари ва этакларига зеб бериб турган. Енглари турли эн ва узунликда бўлган. Баъзан бутун юза бир хилдаги олтин тўкачалар билан тўлдириб чиқилган. Бундай холни Вима Такто хайкалида кузатиш мумкин. Хувишка чопонлари енгининг юкори кисмидаги бой безаклари билан ажралиб туради.

Чопонларга караганда калта камзулларнинг енг учлари хашамдор безалган. Камзуллар чап томонга бар урилган ва калин мато ёки чарм белбог билан боғланган. Таксиладаги Дхармаражик будда ёдгорлигида (IV аср) ибодат килаётган баъзи зиёратчиларнинг камзул этаклари пастдан юкорига киялаб киркилган. Фаёзтепа кадамжосининг шимолий деворида гўккизта эркакнинг киёфаси тасвирланган, ўртадаги киши кизил камзул кийган бўлиб, камзул оч нофармон рангдаги гул билан безатилган. Бошқалар ҳам камзул кийиб, копламали тўгрибурчактўкали, афтидан, олтин белбог боғлаганлар. Дилбержин саждагохининг 16-шимоли-шаркий кисми

хоналаридаги расмларда ҳам одамлар деярли бир хил кийимда тасвирланган. Уларнинг безакдор, гохо сидирга ок, сарик, жигарранг тусдаги камзуллари тиззагача тушиб турган. Камзулларнинг этаклари, кенг ман-жетлари, олдидаги тўгри йўллари, кайтарма ёкалари ва ён кийик (йирма)лари оч кўк, сарик ва кизил рангдаги гулдор жияклар билан хошияланган. Белга энсиз белбог ўралиб, унинг чап томонига ханжар осилган.

Эркаклар олди ёпик кийимларининг одатда ёкаси ётик бўлган, гохо тик киркимли ёкалар ҳам учраб турган, баъзида учбурчак ёкалар ҳам кўзга тапшанган. Фаёзтепадаги зиёрагчи йигитнинг уст кийими, афтидан, чап томонида тик кирким бўлган ётик ёкага эга, унинг юкоридаги чеккаси елкадан калта кизил тасмали богич билан боғланган. Кийим, одатдагидек, тиззагача тушиб турган, онда-сонда такимга тушиб турувчи чопонлар ҳам учраб турган. Бундай кийимлар устки, баъзан ички кийим сифатида

кийилган. Кўйлак кенг-ковул бўлиб, устидан чопон кийилганда ҳам кўпинча белбог боғланган. Енглар калта ҳам, узун ҳам бўлган (калта енгларга одатда жуда кўп безак берилган).

Плашлар калта ва тор бўлган. Улар кўпинча елкадан битта тўгногич ёрдамида кадаб кўйилган. Афтидан, анча кенгрок плашлар эса кўкракнинг юкори кисмига иккита тўгногич билан кадалган (хар иккала плаш тури ҳам кўпрок Кушон империясининг учинчи хукмдори Вима Кадфиз тангаларида учрайди). Канишка I плаш тагидан Кушон подшоҳлари учун ноёб саналган олди ёпик кийим кийган. Аёлларнинг кенг байрам ёпинчикдари Фаёзтепадан топилган уч зиёратчи аёл хайкалчасида учрайди. Ёпинчиклар тақимгача тушиб турган ва кўкракнинг юкори кисмида бир жуфт гардишсимон тасмали илгак билан маҳкамланган.

Эркаклар бош кийимлари гоаят хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Чўккисимон бош кийимларнинг кўплаб турлари кенг тарқалган. Улар кигиз ёки калин матодан тикилган бўлиб, тепа кисми учли ёки бир оз олдинга эгилган. Уларнинг айримлари окка бўялган. Хукмдор-ларнинг кулоҳлари асосан турли шаклдаги тўқачалар тик каторлари билан безатилган, каторларнинг хар бирида кўшимча гардишча ҳам бўлган. Гохо пастки томонга, яъни манглай устига думалок олтин балдок осиб кўйилган. Далварзинте-падан топилган шахзоданинг боши кўринишидаги хайкалча бўлагидаги учли бош кийими кимматбаҳо тош-лар билан безатилган; бундай кал-покларнинг тур-лари тангалардаги ва Матхура (Ши-молий Хиндистон) хайкалларидаги кушон шохлари, шунингдек, Дилбержиндан топилган чавандоз лой хайкалчасида ҳамда «Канишка хазинаси» калпогида акс эттирилган илоҳга хос. Кулоҳ ясси чўккисимон, тепа ёки пастки чекка бўйлаб букилган кайирмага эга. Кўчманчилар анъаналари яна ёни бўртик бош кийимда ҳам намоён бўлади, улар даставвал кигиздан оган. Бундай кулоҳларни баъзида зодагонлар ҳам анлар.

Аёллар бош кийимлари у қадар ранг-баранг бўлмаган кисимон бош кийимларининг бир неча хилигина маъум, улар юмшок матодан тикилган бўлиб, чўккиси олдинга ё оркага осилиб турган. Пастга караб йўгонлашиб борган конус ёки цилиндрсимон бош кийимлари ҳам учарб турган. Кулоқ ва энсани ёпиб турувчи ён томони чикик калпоқлардан ҳам кенг фойдаланилган. Эрли хотинлар киядиган бош кийимларнинг айрим турлари тагидан ихчамрок ва энсизрок ёпинчик ҳам ташлаб олинган. Узунрок шойи рўмоллар онда-сонда учрайди. кўринишидаги баланд ва бирмунча калинлашган кийимлари ва уч каватли, хар бир каватида шиниб турувчи учтадан кизил, ок ва сарик ранглар тожлар ўзига хосдир. Матодан тикилган, саккизта уч япрокли майда гултўп каторлари билан безатилган саз беретлар ҳам маълум.

Эркаклар пешонабоги — диадемаларни асосан дорлар ва афсонавий асар персонажларида учратиш мумкин. Герайникига ўхшаш диадема Кужула Кадфиз ва I Такто томонидан ҳам фойдаланилган. Холчаёнда лган эркак ҳамда йигитчанинг бошида ҳам Сампула андан жануби-шарқда, Синьцзян) кабрларидан бирида топилган I асрга оид Бактрия жун матосидан тайёрланган шундай пешонабог тасвирланган. Дилбержиндан топилган сополдан ишланган эркак бошида, дан, доира кўринишида ва хар томонидан «томчи»га ўхшаш ёйик каторли безаклар бўлган олтин тож фланган. Ок матодан тикилган аёллар пешонабоги баъзида гултўпли учта тўка билан безатилган. Далварзин-шахарчасидан топилган аёл бошида ҳам пешона-бор. Бу қадимги анъаналар Месопотамия, аниқроғи, шумерларга бориб такалади.

Эркакларнинг хилма-хил камарлари аксар чармдан бўлиб, йўгон кайишлардан, ок ёки кора рангдаги лардан ўрилган. Бундай камарлар мукаддас «Геракл тугуни билан боғланган, уни олд ёки орка томондан а бўлаверган. Зодагонларнинг чарм камарлари эига одатда гултўп ёки хайвон тасвири туширилган думалок шаклдаги бир жуфт олтин илгак маҳкамланган. Эркакларга найза учи шаклидаги темир шокила осиб кўйилган; бу унсур Канишка I хукмронлиги давридан бошланган. Кўпинча бундай камар чорси шаклидаги бир хил олтин тўкалар катори билан безатилган; тўка ичи гултўп ёки тўртбурчак шакл билан тўлдирилган, тўртбурчак учлари томчисимон, баъзан думалок ва тўртбурчак тўкачалар билан алмашиб турган.

Аёллар камари матодан тўкилиб (баъзан учлари попукли бўлган) «Геракл тугуни» усулида боғланган. Шимолий Бактриядаги кабрлар талон-торож этилиши натижасида аёллар тилла безакларининг Гарбдаги номи махфий сакланаётган хусусий жамламада жуда бой тўплами пайдо бўлади. Улар орасида мато камарга маҳкамланган энсиз тилла илтак ҳам бўлиб, у бир-бирига ошик-мошик билан уланган икки тўртбурчак жимжимадор пластинадан иборат. Хар иккала пластина ўртасида ўсимлик бутокларидан ясалган «8» шакли мавжуд.

Эркаклар оёк кийими кўпинча учи думалок шаклдаги этикчалар бўлган. Улар кўнж томонидан кайиш тасмача билан боғланган, тасмача ҳам кўнж каби олтин тўкачалар билан безатилган. Тиззагача етадиган этиклар бўлгани ҳам маълум. Зодагонлар гоҳо кушонларга хос тарзда юзаси бурмаланган учи ўткир ва узун этик кийишган.

Чавандозлар баъзида матодан тикилган кенг ва жуда баланд (думбагача етадиган) этиклар кийишган, улар одатда иккита тасма билан камарга маҳкамланган. Фаёзтепа нақшу нигорларида эркаклар юмшок этик кийган холда тасвирланганлар, этик устидан шалвар-намо шимлар туширилган бўлиб, тўпикка сарик, афтидан, тилла тўгногич билан кистириб кўйилган.

Кўп холларда енг кайтармасини дид билан безати-лишига катта эътибор берганлар. Кушон эркаклар либосида Парфияникидан фаркли ўларок, бир либос тўпламининг турли қисмларини безаш учун бир хилдаги гуллардан камдан-кам фойдаланилгани кузатилади. Бунда безак йўллари гўё «сиргалиб», пастга, шимдан оёк кийимига ўтиб кетади (мил. I аср Бактрия шим ва пойафзалларида, холос).

Шундай қилиб, Бактрия либосида эркаклар ва аёлларнинг чопонлари, олди ёпик, этаги бурмали ёки тўлқинли ятаклар, ёкаси кийик очилиб, тасма билан боғланган кўйлақлар учрайди. Аёллар кўйлагининг ёка ўмизи чуқур учбурчак шаклда бўлган, олди очик мўйна-дан тикилган шуба киркими ҳам чуқур. Аёллар ва эркаклар устки либосида ҳам калта, эндор енгли ва узун енгли ички кийимлар чатишиб кетган. Эркакларнинг чопони кўпинча кўкрак устидан тўка билан маҳкамланган, этаклари эса хар томонга ёйилиб турган. Эркаклар либосида кўйлакни матолар билан безаш расм бўлган, у учбурчак тўкалар катори-дан вужудга келган. Либосларнинг рангида кўпрок ок ва кизил устунлик килган.

Отабек ОРИФ ЖОНОВ (Moziydan sado)